# Ўзбекистон туманилик ёш шахматчи Насимбек Сотволдиев “Ёшлар ишлари агентлиги Фарғона вилоят бошқармаси бошлиғи кубоги” соҳиби

Фарғона шаҳрида имконияти чекланган ёшлар ўртасида спортнинг шахмат тури бўйича "Ёшлар ишлари агентлиги Фарғона вилоят бошқармаси бошлиғи кубоги" финал баҳслари бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус доирасида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида ташкилланган спорт мусобақасининг якуний натижаларига кўра, Ўзбекистон тумани вакили Насимбек Сотволдиев мутлоқ ғолибликни қўлга киритди.





Бу ҳақда, бугун мусобақанинг финал баҳсларида Насимбекка ҳамрохлик қилган туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи Хакимжон Мухитдинов хабар бермоқда.

21 ёшли Насимбек туманнинг Даштчўлпон қишлоғида истиқомат қилади.



Мусобақа ғолиби, умидли шахматчига агентликнинг вилоят бошқармаси бошлиғи Мухаммадамин Ғаниев биринчи даражали диплом ҳамда ноутбук совға қилган.

**Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати**

2021-05-26 23:04:21